# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 4 февраль, № 26 (8088) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

**3 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**



Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис иши “O‘zbekiston” ва “UzReport” телеканалари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонунлар, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган Тараққиёт стратегиясида яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг ривожланиш тенденциялари, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини комплекс ривожлантириш йўналишлари аниқ белгиланган.

Ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, уни ишлаб чиқишда мавжуд муаммолар эътиборга олинди, ечимини кутаётган долзарб вазифалар акс эттирилди. Энг муҳими, ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида халқимиз фаол иштирок этди.

Тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича “Инсон қадри учун — 100 та мақсад” белгилаб олинган.

Давлат дастури ижроси доирасида 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард доллар миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши ижросини таъминлашга эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Хусусан, халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Давлат дастури маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш бўйича чораларни ҳам назарда тутади. Бунда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатларини, уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини кенгайтириш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш каби вазифалар амалга оширилади.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш, ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Шунингдек, бюджет ташкилотларига аниқ стратегик вазифалар қўйиш, уларга сўров юбориш амалиёти жорий қилинади. Ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, масофавий ишлаш йўлга Олий Мажлис палаталари масъул этиб белгиланган.



Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижроси юзасидан парламент назорати йўлга қўйилади.

Мажлисда, шунингдек, мамлакатимизда ислоҳотларни изчил давом қўйилади, ҳудудларни ривожлантириш масалаларида вакиллик органлари иштироки кучайтирилади.

Муҳокамаларда ушбу вазифаларнинг жойлардаги ижроси Сенатнинг тегишли қўмиталари ҳамда ҳудудлардаги сенаторлар ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши лозимлиги таъкидланди.

➔ 3

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДА ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан XXIV қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун 4-5 февраль кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлади.**

Хитой пойтахти жаҳон спорти тарихида иккала Олимпиадани қабул қилган биринчи шаҳар бўлади — 2008 йилда бу ерда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам ўтказилган эди.

Карантин чораларига қатъий риоя этган ҳолда 4 — 20 февраль кунлари ўтадиган бу галги мусобақада спортнинг 15 та йўналиши бўйича 109 та медаллар тўплами ўйналади. Бу медаллар учун Ўзбекистон ва 90 та мамлакатдан жами 4 мингдан зиёд спортчилар беллашади.

Олимпия ўйинларининг очилиш маросими 4 февраль куни Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида хорижий давлатлар ва расмий делегациялар етакчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтади.

Ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Президенти қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказади.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”**да амалга оширишга оид давлат Дастурига мувофиқ:

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилансин:

а) **умумий ўрта таълим муассасаларида**:

мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган **миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш маҳорати** ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатига (шаҳодатнома) тегишли қайд киритилади;

мусиқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда **ҳар ҳафта миллий мусиқа чолғуларида куй ижро этиш амалий тўгараклари ва факультатив дарслари ўтказилади**;

мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий чолғулардан камида биттасида, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасида куй ижро этиш маҳоратига эга бўлиш **мусиқа фани ўқитувчилари учун** мажбурий ҳисобланади;

мусиқа фани учун ажратилган ўқув соатлари доирасида **“Ҳаётимга ҳамроҳдир чолғу”** шиори остида чолғу ижрочилиги дарс машғулотлари йўлга қўйилади;

**(Давоми 2-бетда).**

## «Beijing Review» журнали мамлакатимиз равнақининг муҳим йўналишлари ҳақида мақола эълон қилди

*Хитойнинг нуфузли «Beijing Review» журнали саҳифаларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда эришган ютуқлари, келгусидаги ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари, шунингдек, Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллиги натижалари, томонларнинг БМТ, ШҲТ ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.*

### Дунё нигоҳи

Материалда таъкидланишича, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида сўнгги йилларда Ўзбекистон барқарор ва жадал ривожланаётган давлатга айланди. Иқтисодиёт, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларига юксак баҳо берилмоқда.

«Beijing Review» ўз ўқувчиларини мамлакатни сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча йўналиши бўйича устувор мақсад ва вазифаларни қамраб олган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан таништиради.

Яна бир мақолада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини амалга оширишнинг бугунги натижалари очиб берилган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги янги минтақавий сиёсати туфайли минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашгани қайд этилган. Дўстлик ва ўзаро манфаатларга асосланган фаол минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиёнинг замонавий тарихида янги ижобий бурилиш нуқтаси бўлгани таъкидланган.

Янги стратегия доирасида, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари қаторида мамлакат бўйлаб хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратиш алоҳида ўрин тутади.

Нашр деярли барча соҳада Хитой — Ўзбекистон кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг ҳозирги тенденциясини юқори баҳолайди. Икки томонлама ҳамкорликнинг бундай жадал ривожланишининг асосий омили олий даражадаги фаол сиёсий мулоқотдир.

➔ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА ДАЛИЛЛАРНИ ЙИҒИШ МАЖБУРИЯТИ ЮКЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзуида семинар ташкил этилди.*

Тадбирда Президентимизнинг шу йил 29 январда қабул қилинган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Девони ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти маъмурий суди судьялари, Судьялар олий мактаби тингловчилари иштирок этган семинарда қарорда белгиланган устувор вазифаларнинг амалда ишлашини таъминлашдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

➔ 4

### Эътироф

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ — ФАХР

*Тинч океанининг Жануби-Ғарбий қисмида жойлашган Янги Зеландия халқи Марказий Осиё гавҳари бўлган Ўзбекистон давлати, унинг салоҳияти, аҳолиси ҳақидаги маълумотлар билан кейинги йилларда кенгроқ танишиб бормоқда. Бу, албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожи билан боғлиқ.*

*Тақдиримда битилган экан, ҳамкорлар билан ўзаро келишувларимиздан сўнг 2021 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг маслаҳатчиси лавозимига маъқулландим ва апрель ойи бошида иш бошладим.*

➔ 4



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар** билан таъминлаш умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тизимига киритилади;

ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг қизиқишларига кўра миллий мусиқа чолғуларида куй **ижро этиш маҳорати**, **тасвирий ва амалий санъат, ҳунармандчилик** йўналишларида амалий тўгараклар (кейинги ўринларда — амалий тўгараклар) ташкил этилади;

амалий тўгараклар раҳбарларига "Баркамол авлод" болалар мактаблари тўгарак раҳбари учун белгиланган базавий тариф ставкалари қўлланилади;

амалий тўгаракларни олиб бориш ҳисоби "Электрон кундалик" дастури орқали амалга оширилади ҳамда ҳар чоракда тўгарак иштирокчиларининг ҳисобот концертлари ташкил қилинади;

мусиқа санъати бўйича профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган, камида 3 та миллий мусиқа чолғуларида маҳорат билан куй ижро эта оладиган мутахассисларни **асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда** ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим муассасалари мусиқа фани ўқитувчиси ва мусиқа йўналишидаги тўгарак раҳбари лавозимига тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат берилади;

мусиқа фани ўқитувчиларини камида учта миллий мусиқа чолғуларида куй ижро этишга ўргатиш **халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими доирасида амалга оширилади**, бунда қайта тайёрлаш (малака ошириш) курсларида машғулот олиб бориш учун маданият ва санъат соҳаси вакиллари шартнома асосида жалб этилади;

б) **умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида**:

Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бошқа маданият муассасалари билан ҳамкорликда **лекторий концертлари**ни ўтказиш йўлга қўйилади;

лекторий концертлари таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилади ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга, эстетик диди, дунёқарашини кенгайтиришга ва мусиқани ҳис қилишига қаратилган амалий машғулотлардан иборат бўлади;

лекторий концертларининг ўтказилганлиги ҳақида тегишли таълим, маданият муассасаси, туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки бошқа масъул ташкилот раҳбари ва Ўзбекистон давлат филармонияси бош директори томонидан далолатнома тузилади;

лекторий концертларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари (умумий ўрта таълим муассасаларида) ва бюджетдан ташқари маблағлар (олий таълим муассасаларида) ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан далолатнома асосида молиялаштирилади;

Маданият вазирлиги ҳайъати қарори билан умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида маданият ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари билан тақдирланган ижодкорлар раҳбарлигида уларнинг "**маҳорат мактаблари**" ташкил этилади;

"маҳорат мактаблари" раҳбари бўлган ижодкорлар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш баравари** миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириб борилади;

в) **умумий ўрта таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари**:

2022 — 2024 йилларда мазкур қарорга 1а-иловада белгиланган режа-жадвалга мувофиқ 3 тадан миллий мусиқа чолғулари тўпламлари билан таъминланади;

миллий мусиқа чолғулари тўпламлари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

миллий мусиқа чолғулари тўпламлари Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан марказлашган тартибда харид қилинади ва тегишли давлат муассасаларига етказиб берилади, бунда харид комиссиясининг таркибига миллий мусиқа чолғуларида куй ижро эта олувчи юқори малакали мутахассислар киритилади, чолғулар улар томонидан синаб кўрилади;

г) **ҳар йили**:

ўқувчилар ва талабалар ўртасида мазкур қарорга 2-иловадаги рўйхат бўйича "таълим муассасаси — туман (шаҳар) — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) — республика" кесимида маданият ва санъат соҳасидаги **республика кўрик-танловлари** ташкил этилади;

республика кўрик-танловларининг "таълим муассасаси" босқичида тегишли таълим муассасаси жойлашган маҳалладаги ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш Ёшлар етакчилари ва маданият марказлари зиммасига юкланади.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) **Халқ таълими вазирлиги** (Б.О.Саидов) 2022 йил 1 июнга қадар:

ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаларида директор буйруғи билан амалий тўгараклар ташкил этилишини, бу ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хабардор қилинишини таъминласин;

умумий ўрта таълим муассасаларида мусиқа фани ўқитувчиларига бўлган талаб ва келгусидаги эҳтиёжни мунтазам равишда таҳлил қилиб борсин, заруратга кўра, Маданият вазирлиги билан биргаликда мусиқа фани ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасаларига буюртмалар бериб борсин;

б) **Маданият вазирлиги** (О.А.Назарбеков) икки ой муддатда:

мусиқий саводхонликни оширишга қаратилган лекторий концертларининг бадиий дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д.Н.Саттаров) билан биргаликда мусиқа чолғуларини ишлаб чиқарувчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий мусиқа чолғуларини ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

3. Қуйидагилардан иборат **2022 йилда республика миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси** (кейинги ўринларда — 2022 йил учун календарь режа) тасдиқлансин:

2022 йилда Ўзбекистон Республикасида халқаро ва республика миқёсидаги фестивалларни ўтказиш режа-жадвали 3а-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги томонидан "**Маданият карвони**" шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3б-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон давлат филармонияси** таркибидаги бадиий жамоалар томонидан унинг ҳудудий бўлимлари билан бирга концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3в-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон миллий ва давлат симфоник оркестрлари, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ва "Ўзбек давлат цирки"** давлат муассасаси ижодий (бадиий) жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3г-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги тизимидаги **давлат театрлари** жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3д-иловага мувофиқ;

2022 йилда Ўзбекистон **миллий симфоник оркестри** ва Ўзбекистон **давлат симфоник оркестри**нинг Тошкент шаҳрида йирик концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3е-иловага мувофиқ;

2022 йилда республика миқёсида **касб байрамларини нишонлаш** муносабати билан ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари рўйхати 3ж-иловага мувофиқ;

2022 йилда ҳудудлардаги маданият муассасалари томонидан ўзаролик тамойили асосида бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг "маданият кунлари" тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3з-иловага мувофиқ.

4. 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

2022 йил 1 июнга қадар "Маданият карвони" учун мўлжалланган, тегишли мусиқа техникаси ва саҳнага эга 2 дона махсус автотранспорт воситасини харид қилсин;

вазирлик тизимидаги концерт-томоша муассасалари, цирк ва театр ходимлари орасидан "Маданият карвони" таркибига киритиладиган ижодкорлар (доимий аъзолар ва муайян тадбирларда иштирок этувчилар) рўйхатини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари орқали, шу жумладан, тадбир ўтказиладиган ҳудудлар аҳолисини камида **икки ой олдин** хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

бир ой муддатда ўз ҳудудларида 2022 йилда ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаларини тасдиқласин;

2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши учун зарур ташкилий масалаларни ҳал қилсин;

ўзаролик тамойили асосида ўз ҳудудида фаолият юритаётган маданият муассасалари жамоаларининг бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг "**маданият кунлари**" тадбирларининг самарали ташкил этилишини таъминласин;

в) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдухакимов) 2022 йил учун календарь режага киритилган тадбирларни **маҳаллий ва хорижий туристлар орасида** кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин, туристлар оқимининг ўзгаришини инобатга олиб календарь режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни доимий равишда Маданият вазирлигига тақдим этиб борсин;

г) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда "Маданият карвони" учун мўлжалланган, тегишли мусиқа техникаси ва саҳнага эга 2 дона махсус автотранспорт воситасини харид қилиш учун Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан қўшимча **20 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

5. Барча давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, концерт, цирк ва театрларга кириш учун билет ва абонементларни харид қилиш амалиётини жорий этсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), хўжалик жамиятлари муассиси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йиғилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин.

Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ҳар ойнинг 25-санасига қадар барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва хўжалик жамиятларига улар жойлашган ҳудудда келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳақида маълумот бериб борсин.

6. Белгилансинки, 2022 йилдан бошлаб **маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги қўшимча чоралари** жорий этилади:

а) Маданият вазирлиги томонидан **"Инсон қадри учун"** эзгу ғояси асосида ҳар йили қуйидагилар учун **давлат буюртмалари берилади**:

театрларда саҳналаштириладиган камида 40 та **янги спектаклга**;

композиторлар ва бастакорларга 40 та **янги мусиқа асарлари**, шу жумладан, **опера, симфония, оратория** каби мумтоз ва замонавий жанрлар, хусусан, эстрада бўйича асарлар яратишга;

камида 100 та **юксак бадиий савиядаги интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратишга** (кенг оммалашган 20 та аудиовизуал асар ижодкорлари Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади);

камида 150 та **энг яхши миллий қўшиқларни караоке ёрдамида ижро қилиш** учун қайта ишлашга;

атоқли ижодкор-зиёлилар, аҳоли орасида юксак ҳурматга эга санъат ва ижод вакиллари томонидан олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси, ушбу ҳудудлардаги таълим муассасалари ўқувчилари билан **ижодий учрашувлар ўтказишга** (бир йиллик режа-жадвал ҳамда Маданият вазирлиги билан тузиладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида);

таълим муассасалари (танаффус пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-кўнгилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал тармоқлари орқали эшиттириладиган ва ташриф буюрувчиларнинг руҳиятига ижобий таъсир қиладиган **миллий куйлардан иборат мусиқий альбомларни** тайёрлаш ва оммалаштириш ишларига (муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда);

б) аҳоли орасида кенг оммалашган интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда "**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги**" номли саҳифалар ташкил этилиб, улар орқали Жамғарма маблағлари ҳамда саҳифаларни юритишдан келиб тушган маблағлар ҳисобидан **ўзбек халқи миллий маданиятини тарғиб этувчи қуйидаги танловлар жорий этилади**:

мусиқа чолғуларида (миллий, опера, симфония, оратория, эстрада, бошқа мумтоз ва замонавий жанрларда) бажарилган энг яхши 100 та ижро;

энг яхши 100 та миллий қўшиқ;

энг яхши 100 та миллий мусиқий клип;

караоке ёрдамида қўшиқ ижро қилишга мўлжалланган, энг яхши 100 та мусиқий композиция (қўшиқ матни билан);

давлат ва хусусий театрларда саҳналаштирилган энг яхши 50 та спектакль.

Бунда, ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар йил давомида жойлаштирилган ва ҳар йили 15 декабрь ҳолатига фойдаланувчилар томонидан энг кўп кўрилган ижролар орасидан аниқланади ҳамда Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

в) юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда айланмадан солиқни ҳисоблашда **солиқ солинадиган база** ушбу ташкилот ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш, шу жумладан, ушбу тадбирларга кириш учун билетлар харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади, бунда мазкур чегириладиган маблағлар солиқ солинадиган базанинг 2 фоизидан ошмаслиги лозим;

г) миллий мусиқа чолғу асбобларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этадиган ташкилотлар учун **айланмадан солиқ** ва **ижтимоий солиқ ставкаси** 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар **1 фоиз** этиб белгиланади;

д) Маданият вазирлигига ўз тизимидаги барча ташкилотлар учун бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш нисбатини (моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига) **мустақил белгилаш ҳуқуқи** берилади.

7. Мазкур қарорнинг 6-бандида белгиланган маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини ўз вақтида ва тўлиқ жорий этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

юксак бадиий савиядаги аудиовизуал асарларга давлат буюртмаларини жойлаштиришда уларнинг миллий адабиёт ва шеъриятимизнинг нодир дурдоналари асосида яратилиши, истеъдодли ижодкорлар томонидан маҳорат билан бадиий ўқиш, монолог ва бошқа шаклларда, шунингдек, хорижий тилларда ижро қилинишига, алоҳида эътибор қаратсин;

бир ой муддатда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги" номли саҳифаларни ташкил этсин, уларни доимий равишда кенг жамоатчилик орасида оммалаштириш чораларини кўрсин, саҳифалар фаолиятини ташкил этишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилинишини қатъий назорат қилсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда тегишли солиқ имтиёзларини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон Фармонига асосан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағлари республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар фойдасининг муассисга йўналтириладиган қисми ҳамда қонунчиликда белгиланган ёки тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади;

б) қуйидаги тадбирлар Жамғармага Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

"маҳорат мактаблари" раҳбари бўлган ижодкорларни қўшимча моддий рағбатлантириш;

оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси асосида "Маданият карвони" шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, "Ўзбек давлат цирки" давлат муассасаси, давлат театрлари, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва Ўзбекистон давлат симфоник оркестри томонидан концерт-томоша тадбирларини ўтказиш;

"Инсон қадри учун" эзгу ғояси асосида Маданият вазирлиги томонидан бериладиган давлат буюртмаларини молиялаштириш;

"Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги" номли саҳифалар орқали ташкил этиладиган танловлар ғолибларини тақдирлаш;

Маданият вазирлиги тизимидаги муассасалар томонидан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг рекламасини ташкил қилиш, телеканаллардан эфир вақтини сотиб олиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов):

ушбу қарорда амалга оширилиши белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага 2022 йилда **жами 50 миллиард сўм**, шундан, **25 миллиард сўмни** 2022 йил 1 мартга қадар, **қолган 25 миллиард сўмни** ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишига қараб, Маданият вазирлигининг сўровига асосан **ажратсин**;

ушбу қарор билан Маданият вазирлигига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун 2023 йил Давлат бюджети параметрларида Жамғармага **50 миллиард сўм** назарда тутсин.

10. Маданият ва санъат соҳасидаги ижодкорларни ҳар йили бир маротаба тақдирлаш мақсадида **Маданият ва санъат миллий мукофоти** таъсис этилсин.

Маданият вазирлиги икки ой муддатда маданият ва санъат миллий мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарори билан **маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан** ушбу ҳудудда узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган маданият ва санъат соҳаси вакилларига ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **50 фоизи миқдорида**, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон Фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг **50 фоизидан** юқори бўлмаган миқдорда **субсидия** берилади.

12. Ҳудудий маданият органлари тузилмасидаги намунавий мақом ансамбллари негизида амалдаги молиялаштириш тартиби ва штат бирликлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган **Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ҳудудий бўлимлари** ташкил этилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Маданият ва маърифат" телеканали Маданият вазирлигининг **Бош ахборот ҳамкори** этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Маданият вазирлиги томонидан намойиш этишга тайёр ҳолда тақдим этиладиган материаллар "Маданият ва маърифат" телеканалида **томошабинлар учун қулай бўлган вақтларда бепул эфирга узатилади**;

республика телеканалларидан **томошабинлар учун қулай бўлган** эфир вақтлари Маданият вазирлиги томонидан сотиб олинади ва ушбу вақтда вазирлик тақдим этган материаллар эфирга узатилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларда **ҳар ҳафтада аниқ бир вақтда** Маданият вазирлиги учун эфир вақти ажратилади;

телеканаллар фаолиятига тааллуқли тегишли лицензия талаблари ва шартларига миллий маданиятимиз дурдоналарини, шу жумладан, миллий чолғуларда асарлар ижро этилишини эфирга бериш талаблари киритилади.

Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) бир ой муддатда телеканаллар фаолиятини лицензиялаш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Қуйидагилар:

**2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** 4-иловага мувофиқ;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва "Ўзбек давлат цирки" давлат муассасасини автобус ва юк транспорт воситалари билан таъминлаш режаси 5-иловага мувофиқ;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар) маданият бўлимларини махсус автотранспорт воситаси билан таъминлаш режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ушбу бандда тасдиқланган "Йўл харитаси" ва режаларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

15. Молия вазирлиги 2022 йил олти ойлик якуни бўйича Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

16. Муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ўзларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ёки таъминлаш мақсадида хориждан импорт қилиб олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган мусиқа чолғулари, овоз кучайтиргич мосламалар, техник жиҳозлар, чироқлар, махсус либос ва оёқ кийимлар, "Маданият карвони" учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситалари, уларга ўрнатиладиган мусиқа техникаси ва саҳналар 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 8-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Маданият вазирлиги Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

20. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А.Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.А.Жўрабоев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чоракда** ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 февраль

# БМТ Бош котибининг ўринбосари маданий ва тарихий қадриятлар контрабандасига қарши биргаликда курашиш ташаббусини илгари сурмоқда

*Ўзбекистоннинг Венада жойлашган халқаро ташкилотлардаги доимий вакили, элчи Абат Файзуллаев БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори Гада Фатҳи Вали билан учрашди.*

## Биз ва жаҳон

Тадбирда Гада Фатҳи Вали Ўзбекистон Президентининг 2021 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан биргаликда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб олган гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббусини юқори баҳолади. Суҳбатдош ташкилотнинг ушбу ҳужжат устида биргаликда ишлашни бошлашга тайёрлигини тасдиқлади.

Ижрочи директор 2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи юқори даражада ташкил этилгани ҳамда республика расмийлари билан учрашувлар самарали бўлганини таъкидлади. У Тошкентда 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё ва Афғонистонда БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг янги минтақавий дастурларини имзолаш маросимини ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистонга ташриф дастури ғоят бой бўлганини қайд этаркан, Самарқанд шаҳрида давлат ва жамият ишларини бошқаришда етакчи аёлларнинг ўрни мавзуида давра суҳбати юқори даражада уюштирилгани, Марказий Осиёда ёшлар ташкилотлари ва ёшлар фаолларининг минтақавий тармоғи ишга туширилганини алоҳида таъкидлади.

Гада Фатҳи Вали, шунингдек, БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг янги ташаббусига тўхталиб ўтди. Ушбу ташаббус гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва сотишдан тушган даромадлар ҳамда маданий ва тарихий қадриятлар ноқонуний савдосига қарши курашишга қаратилгандир. Ижрочи директор Ўзбекистон тарихий осориатиқаларга бойлиги, шунингдек, мамлакат маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича катта тажрибага эга эканини инобатга олиб, ўзбекистонлик мутахассисларни ушбу масала бўйича конференцияда иштирок этишга таклиф қилди.

**«Дунё» АА.**
Вена

# «Beijing Review» журнали мамлакатимиз равнақининг муҳим йўналишлари ҳақида мақола эълон қилди

1

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликдаги ютуқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хитой Ўзбекистон товарлари учун энг йирик экспорт бозори ҳисобланади. 2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдосининг умумий ҳажмида Хитойнинг улуши 17,7 фоизни ташкил этди. Ўзаро товар айирбошлаш таркибида нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгаришлар мавжуд.

«Ўзбекистонга Хитой сармоясининг йиллик ўсиши 40 — 50 фоиз оралиғида. Бугунги кунда Хитойнинг бевосита сармояси Ўзбекистон иқтисодиётининг деярли барча тармоғида мавжуд. Улар орасида нефть-газ саноати, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва бошқалар бор», — деб ёзади «Beijing Review».

Нашрнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини берган энг муҳим омиллардан яна бири миллий иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари бўлиб, бу икки давлат ўртасидаги сармоявий ва савдо ҳамкорлигини кенгайтириш учун барча эшикларни очган.

Бошқа материалларда икки давлатнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитойнинг ШҲТ доирасидаги алоқалари натижалари, шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга раислиги давридаги устувор мақсадлари акс эттирилган.

«Умуман олганда, мамнуният билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини икки давлат ривожланиши, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги кўзга кўринган ютуқлар шароитида нишонламоқда. Бу Ўзбекистон ва Хитой халқлари фаровонлиги йўлида изчил ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларнинг ажойиб истиқболларига ишонч билан қараш имконини беради», дейилади мақолада.

**«Дунё» АА.**
Пекин

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

1 Мажлисда Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сенатнинг чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизими такомиллаштирилди.

Интеллектуал мулк соҳасидаги миллий қонунчиликка мувофиқ минтақавий брендларни ривожлантиришнинг воситаларидан бири интеллектуал мулкнинг объекти бўлган товар келиб чиққан жой номлари ҳисобланади. У географик объектлар, шу жумладан, маъмурий-ҳудудий бирликлар, табиий объектлар билан узвий боғлиқдир.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда фақат 4 та товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилган, шулардан атиги 2 таси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлса, қолган 2 таси хорижий ишлаб чиқарувчиларга тегишлидир.

Бундай ҳолат интеллектуал мулкнинг бу соҳаси Ўзбекистон ҳудудлари маълум бир ҳудудга хос маҳсулотларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасидаги маҳсулотларни оммалаштириш ва ривожлантиришда имкониятлар етарли даражада бўлмаганлигини кўрсатади.

Товар келиб чиққан жой номларига бўлган қатъий талаблар ўрнатилмаганлиги туфайли мамлакатда минтақавий брендлар ривожланмасдан қолмоқда.

Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонунда илк маротаба “географик кўрсаткич” тушунчаси акс эттирилган.

Товарни муайян географик объект ҳудудидан келиб чиққан товар сифатида идентификацияловчи белги географик кўрсаткич деб эътироф этилиб, унда товарнинг сифати, ном қозонганлиги ёки бошқа хусусиятлари унинг географик жиҳатдан келиб чиқишига сезиларли даражада боғлиқ бўлади.

Географик кўрсаткич, ишлаб чиқарилаётган товарни белгилаш учун номи қўлланиладиган мазкур географик объектда жойлашган бир нечта юридик ёки жисмоний шахсларнинг талабномасига биноан рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги, бошқа манфаатдор шахслар бўлмаган тақдирда битта юридик ёки жисмоний шахс томонидан рўйхатдан ўтказишга доир талабнома бериш мумкинлиги белгиланмоқда.

Мазкур қонун ўзининг ноёб маҳсулоти учун белгини рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар сони кўпайишига, энг асосийси минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг географик кўрсаткич билан ҳимояланадиган қўшимча қийматга эга ўз маҳсулотининг маҳаллий ва хорижий бозорларга чиқишига имкон яратади.

Қолаверса, ҳудудларга туристик оқимнинг кўпайиши, “гастрономик туризм”нинг ривожланиши ҳамда ҳудудларнинг туристик жозибадорлигининг ошиши айнан мазкур қонун билан боғлиқлиги сенаторлар томонидан эътироф этилди.

Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллади.

Сўнгра сенаторлар “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланиб, 2021 йил декабрь ойида Президентимиз томонидан имзоланган эди.

Ҳеч шубҳасиз, қабул қилинган Конституциявий Қонун мамлакатимизда фавқулодда ҳолат содир бўлганда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

“Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан 5 та қонун ва 1 та Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига қўшимча киритилиб, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши даврида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалдаги қонуности ҳужжатларини тўхтатиб туришнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги Фармонига асосан фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши даврида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туришни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган қонуннинг яна бир эътиборли жиҳати фавқулодда ҳолат жорий қилинганда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат амал қилиш даврида сайловлар ўтказилиши чекланмоқда.

Ушбу чекловлар билан боғлиқ нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига киритилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, туризм йўналишини миллий иқтисодиётнинг драйвер соҳаларидан бирига айлантириш мақсад қилиб олинган. Бунда фойдаланилмаган кенг имкониятлар, табиий шароит, тарихий ва маданий обидалар мавжуд. Тарихий маданий обидаларимиз нафақат моддий мерос сифатида, балки халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида ҳам аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ҳам моддий маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муҳокама давомида, Сенат томонидан Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида олиб борилган ўрганишлар мобайнида моддий маданий мерос объектларига жуда катта миқдорда зарар етказиш ҳолатлари аниқланганлиги, давлат муҳофазасига олинган айрим археологик объектлар йўқ бўлиб кетганлиги ҳам таъкидланди.

Айрим ҳолларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маданий мерос объектларида амалга оширилаётган ишлар реставрация қилиш талабларига зид равишда олиб борилиб, уларнинг тарихий ва бадиий қимматига кўп миқдорда зарар етказилмоқда.

Жумладан, Ситораи Моҳи Хосса тарихий мажмуасида олиб борилган реставрация ишлари аҳволи ўрганилганида мажмуада реставрация ишлари нотўғри олиб борилгани оқибатида унинг бадиий безаклари, нақшлари, кошинлари нобуд қилиниб, тарихий ва бадиий қийматига жами 28 миллиард сўмлик зарар етказилгани аниқланган.

Мазкур ҳолат бу турдаги ҳуқуқбузарликларни фош этиш ва олдини олиш бўйича махсус билим ва тажриба, шунингдек, замонавий ёндашув талаб этилишини, тергов жараёнлари малакали терговчилар томонидан олиб борилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимини белгилаш мақсадида “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилган.

Қонун билан моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш, бундай тоифадаги объектларга жуда кўп миқдорда зарар етказганликни ифодаловчи қилмишларни оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва тақдимномаларини белгиланган муддатда ва тўлиқ бажарилмаганлиги юзасидан жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар кун тартибидаги навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунни муҳокама қилишди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурхонов қайд этганидек, қонун амалиётда учраётган муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётган қонунчиликдаги номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $227^{21}$ ва $227^{23}$-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилиб, чегара қўшинларига ушбу моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни, ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилганида мазкур транспорт воситаларини ушлаб туриш ваколати берилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 224 ва $224^{1}$-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни (чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш, уларда яшаш қоидаларини бузиш ҳамда давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш) кўриб чиқиш ваколати чегара қўшинларига берилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ортиқча вақт сарфлашининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Меҳнат, Фуқаролик ва Солиқ кодексларига ҳамда амалдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Киритилаётган янгилик орқали фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кучайтирилмоқда.

Яъни, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда ногиронлик пенсиялари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам тайинланиши белгиланмоқда.

Таълим муассасаларида ўқиётган етим болаларга 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида карантинли вазият юзага келиб, чеклов чоралари қўлланилган тақдирда, фуқаролар пенсия тайинлашни сўраб ўз вақтида мурожаат эта олмай, чекловлар тугатилганидан кейин бир ой ичида мурожаат этса, уларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан пенсия тайинланиши назарда тутилмоқда.

Болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблаш жами даври 3 йилдан 6 йилга ўзгартирилмоқда.

Фуқаролик кодексига киритилаётган ўзгартишга кўра эндиликда автомототранспорт воситалари электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилганда ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди. Бунда онлайн-аукцион натижаларига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга эканлиги белгиланмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш билан Савдо-саноат палатасига маҳаллий хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Солиқ кодексига Ўзбекистон ҳудудига ўсимлик ёғи, мол, қўй ва товуқ гўшти, тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошка, музлатилган балиқ кабиларни олиб кириш ва реализация қилиш бўйича айланма 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 30 апрелга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилишни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад шахсий ҳужжатлари билан боғлиқ муносабатларда мавжуд муаммо ва камчиликларни, шунингдек, доимий прописка билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш, амалда бўлган биометрик паспорт билан боғлиқ янги ҳуқуқий муносабатлар жорий қилинганлиги боис қонунчиликни такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда “прописка” сўзи маънан эскирганлиги ва ушбу атама фуқаролар онгида “тўсқинлик қилувчи”, “эркинликни чекловчи” деган тушунчаларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан, қонун ҳужжатларидаги “доимий прописка қилиш” ва “турган жойи бўйича ҳисобга олиш” тушунчалари “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” ва “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” тушунчаларига алмаштирилмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан хорижга чиқиш биометрик паспорти жорий қилинганлиги сабабли қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бир қатор қонунларга биометрик паспортга оид ишлатилаётган тушунчалар келгусида идентификация ID-картаси билан қўлланилиши сабабли идентификация ID-картаси тушунчаси киритиш белгиланмоқда.

Қонун қабул қилиниши натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” нормаларининг бир хилда бўлиши ҳамда бир хил кўринишда қўлланилишига, идентификация ID-картасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тушунчалар ва ҳуқуқий қоидалар мослаштирилишига эришилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар “Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунни ҳам кўриб чиқишди.

Конвенция 1988 йил 20 июнда ХМТ Бош конференцияси сессиясида қабул қилинган. Конвенция қурилиш фаолиятининг барча турини, яъни қурилиш, фуқаролик қурилиши, монтаж ва демонтаж ишларини, шу жумладан, қурилиш майдонидаги майдонни тайёрлашдан то объект қуриб битказилгунга қадар ҳар қандай жараёнлар, операциялар ёки транспортда ташиш ишларини қамраб олади.

Муҳокамаларда сенаторлар Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига риоя қилиш ҳолати, бу борадаги асосий муаммоли нуқталар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мазкур конвенция 32 давлат, шу жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозоғистон каби МДҲ мамлакатлари томонидан ратификация қилингани қайд этилди.

Шунингдек, Конвенциянинг аксарият норма ва қоидалари миллий қонунчиликка татбиқ этилгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши қурилиш соҳасига меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг меҳнаткашлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда асосий халқаро принцип ва стандартларга содиқлигини кўрсатади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Битимнинг асосий мақсади — сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлар қўйилган товарларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, шунингдек, бундай товарларни МДҲ мамлакатлари давлат чегаралари орқали олиб ўтишнинг олдини олиш, аниқлаш ва бунга чек қўйиш масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Мазкур Битим доирасида томонлар масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ваколатли органлар томонидан аниқланган сохта товар ва географик кўрсаткичлар қўйилган товарларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳолатлари юзасидан мунтазам равишда ахборот алмашиши, шунингдек, интеллектуал мулк соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда саноат мулки соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилиши эътироф этилди.

Шунингдек, ваколатли давлат органларига экспорт божхона режими орқали географик кўрсаткичларни божхонада назорат қилиш вақтида уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида қўшимча вазифа ва функциялар юкланиши таъкидланди.

Сенаторлар қайд этганидек, Битимнинг муҳим қоидаларидан бири Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлмаган давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича ЖСТ Битим тамойиллари ва нормаларига амал қилишга интилиш ҳисобланади.

Битимнинг қабул қилиниши МДҲ иштирокчи-давлатларининг тегишли органлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 16 — 18 декабрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда янги босқич бўлганини ҳамда ҳамкорликни стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига олиб чиққанини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунларига кўра туб бурилиш ясайдиган кенг кўламли келишувларга эришилганига урғу берилди.

Жумладан, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, фармацевтика, геология, IT-технология, “яшил энергетика” каби соҳаларда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган инвестиция ва молиявий битимларнинг катта пакети имзоланди.

Ташриф чоғида халқ дипломатиясининг муҳим элементи сифатида парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ташрифи якунлари бўйича Президентнинг 2021 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 67-сон қарори қабул қилинди, унда амалий ҳаракатларнинг учта режаси (“йўл хариталари”) назарда тутилди.

Муҳокамалар доирасида сенаторлар олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва юзага келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу муносабат билан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича Сенат комиссиясини тузиш ташаббуси таклиф этилди.

Қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, Жанубий Корея молия институтлари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар самарадорлигини ўрганиш, Жанубий Корея билан амалга ошириш режалаштирилган инвестиция лойиҳалари бўйича вазирлик ва идораларнинг таклифларини кўриб чиқиш, шунингдек, минтақалараро алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш мазкур тузилманинг асосий вазифалари бўлиши керак.

Сенаторлар, шунингдек, икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун майдон яратилиши мамлакатлар ўртасидаги келишувлар асосида қўйилган вазифалар ижроси юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш имконини беришини ҳам таъкидлади.

Муҳокама якунлари бўйича Сенат қарори қабул қилинди. Унга кўра сенаторлар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар, компаниялар ва фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари киритилган комиссиянинг Низоми ҳамда шахсий таркиби тасдиқланди.

Шунинг билан Олий Мажлис Сенати йигирма учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Ахборот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Кун давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.*

*Сенаторлар уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ўзларининг фикрларини қуйидагича баён этди.*

## Муносабат

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

### Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлар ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилади

— Маълумки, кейинги беш йилда юртимизда амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар туб моҳиятида одамларни рози қилиш, уларнинг ишлаши, яшаши ва дам олиши учун барча қулайликни яратиш мақсади мужассам.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида эътиборга молик.

Хўш, бу ҳужжат билан миллий қонунчилигимизга қандай янгиликлар киритилмоқда?

Қонуннинг асосий янгилиги сифатида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш кучайтирилаётганини келтириш мумкин. Эндиликда ногиронлик пенсиялари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногирони бўлган шахсларга ҳам тайинланиши қонун билан мустаҳкамланиб қўйилмоқда. Шу билан бирга, таълим муассасаларида ўқиётган боқувчисини йўқотган болаларга 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи берилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, мамлакатимиз ҳудудида карантинли вазият юзага келиб, чеклов чоралари қўлланилган тақдирда, фуқаролар пенсия тайинлашни сўраб ўз вақтида мурожаат эта олмасдан, чекловлар тугатилганидан кейин бир ой ичида мурожаат этса, уларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан пенсия тайинланиши назарда тутилаётир. Қолаверса, болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтини иш стажига қўшиб ҳисоблаш жами даври 3 йилдан 6 йилга ўзгартириляпти.

Шунингдек, қонун асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ҳам кучайтирилмоқда. Жумладан, “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунга қўшимчалар киритилиб, Савдо-саноат палатасига хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан арзон нархларда ва кафолатли таъминлаш мақсадида Солиқ кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, ўсимлик ёғи, кунгабоқар, зиғир уруғи ва соя данаги, шунингдек, гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда), картошка ҳамда музлатилган балиқ бўйича илгари берилган қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни 2021 йил 31 декабрдан яна тўрт ойга, яъни 2022 йил 30 апрелга қадар узайтириш белгиланмоқда.

**Матлуба ҒАНИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

### «Прописка»дан воз кечилмоқда

— Бугунги давримиз шиддаткор. Кечаги гап бугунги кунга келиб янгилик бўлмай қолмоқда. Буни барча жабҳада, жумладан, фуқароларнинг шахсий ҳужжатлари билан боғлиқ муносабатларда ҳам кузатиш қийин эмас.

Яқин йилларгача “прописка”, деган ибора тез-тез ишлатилар ва шу масалага иши тушган инсонлар наздида у яшаш эркини чеклайдиган салбий тушунчага айланиб қолганди. Шу маънода, “прописка”дан воз кечиш вақти келганди, десак, сира муболаға бўлмайди.

Сенаторлар маъқуллаб овоз берган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан маънан эскирган “прописка” атамасидан буткул воз кечиляпти. Яъни қонун ҳужжатларидаги “доимий прописка қилиш” ҳамда “турган жойи бўйича ҳисобга олиш” тушунчалари “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” ҳамда “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” тушунчаларига алмаштирилмоқда.

Ўз навбатида, бу ҳужжат асосида фуқароларнинг шахсий ҳужжатлари билан боғлиқ муносабатлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда доимий пропискага доир қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдириш ва биометрик паспортга оид қонунчиликни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш мақсад қилинган. Жумладан, бир қатор қонунларга идентификация ID-картаси тушунчаси киритилмоқда.

**Шавкат АЮПОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

### Қурилиш соҳасида меҳнат хавфсизлигини таъминлашда халқаро стандартларга ўтилади

— Юртимизда фуқароларнинг меҳнат муҳофазаси ва гигиенасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас. Қачонки, инсон учун муносиб иш шароити яратилса, юридик атама билан айтганда, меҳнат муҳофазаси таъминланса, у янада кўпроқ ва сифатли фаолият кўрсатади. Бунда унинг ўзи ҳам, юртимиз ва халқимиз ҳам бирдек манфаат кўради.

Сенаторлар томонидан кенг муҳокама қилиниб, маъқулланган “Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Мазкур Конвенция 1988 йил 20 июнда ХМТ Бош конференцияси сессиясида қабул қилинган бўлиб, қурилиш фаолиятининг барча турини, яъни қурилиш, фуқаролик қурилиши, монтаж ва демонтаж ишларини, шу жумладан, қурилиш майдонини тайёрлашдан то объект қуриб битказилгунга қадар бўлган барча жараён ва операциялар ёки транспортда ташиш ишларини тўлиқ қамраб олган.

Эътиборли томони, давлатнинг ўз фуқаролари олдида юқори масъулиятини ифодаловчи ушбу халқаро битимни ҳозиргача дунёнинг фақат 32 мамлакати ратификация қилган.

Шу ўринда, ушбу Конвенциянинг аксарият норма ва қоидалари миллий қонунчилигимизга татбиқ этилганини айтиб ўтиш зарур. Эндиликда унинг тўла ратификация қилиниши қурилиш ва бунёдкорлик ишлари тобора кенг қулоч ёзаётган мамлакатимиз учун айни муддаодир.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:**

### Янги комиссиянинг вазифаси икки давлат ҳамкорлигини янада кенгайтиришдан иборат

— Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги очиқлик сиёсати туфайли нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёнинг турли минтақаларидаги давлатлар билан ҳам ҳар томонлама манфаатли алоқалар кенгайиб бормоқда. Буни Корея Республикаси билан алоқаларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг 2021 йил 16 — 18 декабрь кунлари мазкур мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи муносабатларимизда янги босқични бошлаб берди ҳамда ҳамкорликни алоҳида стратегик шериклик даражасига олиб чиқди. Машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, геология, IT-технология, “яшил энергетика” каби соҳаларда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган инвестиция ва молиявий битимларнинг катта пакети имзолангани бунинг яққол исботидир.

Ялпи мажлисда олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатиш, вазирлик ва идораларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва юзага келаётган муаммоларни тезлик билан ҳал этиш мақсадида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича Сенат комиссиясини тузиш таклифи илгари сурилди.

Шундай қилиб, янги комиссия тузилди. Унинг вазифасини бир сўз билан, икки давлат ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада юксак босқичга кўтаришдан иборат, дейиш мумкин.

Муҳокамалар якунида Сенат қарори қабул қилиниб, комиссия Низоми ва шахсий таркиби тасдиқланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# СТАНДАРТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ МАВЖУД

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.*

## Муҳокама

Унда депутатлар, алоқадор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда амалда бўлган "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунга асосан стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, стандартларни қабул қилишда бетарафлик ҳамда холислик таъминланишининг қонуний асослари яратилмаган.

Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ва ваколатлари тўлиқ очиб берилмагани ҳамда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг ваколатлари қонунчилик билан тартибга солинмагани сабабли стандартларни қабул қилишда консенсусга эришиш имкони мавжуд эмас.

Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишдан мақсад стандартларни ихтиёрийлик асосида қўллаш орқали маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнларнинг сифатини ошириш, уларнинг ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш, стандартлаштириш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни илғор халқаро тажриба ва мезонларга мос равишда уйғунлаштиришдан иборатдир.

Шунингдек, стандартлаштириш соҳасида манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айирбошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник тараққиёт жараёнига кўмаклашиш, соҳада ҳамкорлик қилиш ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат аралашувини камайтириш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси қабул қилиниши ва унинг ижроси натижасида стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан уйғунлаштирилади, бунда маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнларнинг сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошишига эришилади.

Шу билан бирга, стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларни амалга киритиш соҳасида техник қўмиталар фаолияти тубдан такомиллаштирилади, саноатга инновацион технологияларни жадал киритиш, маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган нормалар сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва амалиётда фойдаланилишининг олдини олади, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, фуқаролар, жамият ва давлатнинг сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳуқуқий нормаларнинг самарали ишлашига асос бўлади.

Бу, ўз навбатида, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этган ҳолда, республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топишига имконият яратади.

Семинарда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# МИНГДАН ОРТИҚ МУРОЖААТЛАР ҚОНУНИЙ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

*Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда ОАВ ходимларига қўмитанинг 2021 йилдаги фаолияти бўйича батафсил ахборот берилди.*

## Сарҳисоб

Таъкидланганидек, қўмита ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги фаолиятини йўналишида ўндан ортиқ қонун лойиҳалари учун масъул бўлди. Шундан 11 таси қабул қилинди, биттаси кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди, биттаси иккинчи ўқишда Қонунчилик палатасининг мажлислари муҳокамасига тайёрланмоқда.

Ҳисобот даврида қўмита томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш, саноат, қурилиш, транспорт, энергетика, уй-жой коммунал, геология ва савдо-саноат соҳаларини либераллаштириш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган иккита илгари мавжуд бўлмаган қонун, бешта эскирган қонун ҳамда битта яхлит кодекс устида иш олиб борилди.

Қўмита ўзининг ўтган даврдаги фаолияти давомида парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал этишга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро этилиши ҳолатини ўрганишга ҳамда уларнинг якунлари бўйича масъулларнинг ахборотини қўмита йиғилишларида эшитиб боришга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида йиғирмага яқин тадбирлар ўтказилди. Улардан 16 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, иккитаси қонун ва қонуности ҳужжатлари, иккитаси Қонунчилик палатаси қарорлари, олтитаси қўмита қарорлари ижросига доир масалаларга тааллуқлидир.

Қўмита сайловчилар томонидан кўтарилаётган масалалар ҳамда жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал этишга эътибор берди. Жумладан, ўтган даврда қўмита ташаббуси билан транспорт вазирига, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирига парламент сўровлари юборилди. Бундан ташқари, жойларда сайловчилар томонидан кўтарилган муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига элликка яқин депутат сўровлари юборилди.

Қайд этилганидек, қўмита фаолиятида фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ ўрганиш, улар юзасидан қонуний чоралар кўришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қўмитага келиб тушган 1 минг 54 та мурожаат қонунларда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Матбуот анжумани якунида соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ БОШҚАРИШДА ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

*Мамлакатимизда кейинги йилларда асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди. Замонавий мавзелар, кўркам иншоотлар, йўл ва кўприклар, кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар бунёд этилди ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Уй-жойларга муҳтож бўлган аҳолини тураржой билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, урбанизация орқали "яшил шаҳар"ларни барпо этиш ишлари давлатимиз иқтисодиётига ўзининг кўламдор самараларини бермоқда. Шу билан бирга, уй-жойлар фонди ошгани сайин кўп квартирали бошқарув тизимида ечилмаган масалалар билан биргаликда қўшимча муаммолар вужудга келаётгани ҳам рост.*

## Фикр

Шундан келиб чиқиб, "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси дастлаб сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияларида атрофлича кўриб чиқилиб, маромига етказилди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мазкур ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан сўнгги тўрт йил давомида кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасида 37 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлардан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши ўрганиб чиқилган. Натижалари бўйича 61 минг 677 та ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонди ҳамда унга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо қилингани аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан кўчмас мулк эгаларига ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатмалар берилган.

Бугунги кунда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инспекцияга аниқланган ноқонуний қурилмаларни фақат мажбурий кўрсатма бериш ёки судлар орқали бартараф этиш ҳуқуқи берилган. Бироқ ўзбошимчалик билан барпо қилинган ноқонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бузишга оид судларга аризалар тақдим этишда олдиндан давлат божи тўловидан озод қилинмаганлиги боис ушбу мазмундаги материалларни судларга тақдим этишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда эди.

Қонун лойиҳаси билан инспекцияни кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш доирасидаги судларга киритилаётган даъво аризалари бўйича давлат божини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари бошлиқларига, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, кўп квартирали уй-жой фондини сақлаб туриш ва улардан фойдаланиш соҳасига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилияпти.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси билан тураржойни нотураржойга ўзгартирмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, тураржойни юридик шахснинг манзили сифатида белгилаш мазкур тураржойнинг мулкдорларига ёки уларнинг розилиги билан ушбу тураржойда қонуний асосда истиқомат қилувчи фуқароларга рухсат этиш белгиланаётир.

Қонун лойиҳаси билан кўп квартирали уйлар конструкцияларини сақлаш, зилзилабардошлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига кўп квартирали уйларни бошқариш қоидаларини ҳамда таянч ва тўсиқ конструкцияларини бузган, уларга туташган ҳудудларда ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмалар қурган шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати берилмоқда.

Умуман, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, кўчмас мулк эгаларининг уй-жой фондларини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида шахсий масъулиятини ошириш, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида рақобат муҳити яратилиши ҳамда аҳолига самарали хизматлар кўрсатишнинг янги босқичларини амалиётга татбиқ этиш орқали бугунги кунда уй-жой фондларини сақлаш борасида кўчмас мулк эгалари томонидан билдирилаётган кўплаб эътирозларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Ваҳобжон МУРАТҚОБИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.**

# МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА ДАЛИЛЛАРНИ ЙИҒИШ МАЖБУРИЯТИ ЮКЛАНАДИ



◄1 Таъкидланганидек, ушбу қарорга мувофиқ, давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш мақсадида бир қатор тартиблар жорий этилмоқда.

Хусусан, ҳужжатга биноан маъмурий судларга далилларни йиғиш мажбурияти юкланади, ҳуқуқи бузилганларга эса далилларни йиғишда фақат ўз имкониятидан фойдаланиш шароити яратилади. Давлат органлари қарорлари натижасида етказилган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқи берилади. Маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари давлат органлари томонидан ижро қилинмаганда эса уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималари қўлланади.

Яна бир муҳим янгилик, эндиликда аризаларни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли рад этиш ёки иш юритишни тугатиш тақиқланади ва аризалар судга тааллуқли бўлмаганда уларни кўриб чиқиш ваколатли судга ўтказилади. Қолаверса, бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик судига тааллуқли бўлганда уларни бирлаштириш тақиқланади.

Семинарда сўз олганлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш лозимлигини, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарурлигини, жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорларининг ижро этилиши устидан суд назоратининг таъсирчан механизмларини жорий қилиш кераклигини таъкидлади.

Шу билан бирга, қарорда белгиланган вазифаларни бажариш, жумладан, яратилаётган янги ҳуқуқий нормаларни процессуал қонунчиликда акс эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қизғин савол-жавоб руҳида ўтган семинар якунида қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ — ФАХР

◄1 ...Ўзбекистонда баҳор эди. Суғориш мавсуми бошланган. Сувчиларнинг иши бошидан ошиб ётибди. Мен эса янги вазифамга киришиш учун Ўзбекистоннинг бутун сув хўжалиги соҳаси билан танишиб чиқишим керак.

Ишни соҳани ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси, яъни сув хўжалиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишдан бошладим. 2018 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ва сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигига асос солинган.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг миллионлаб аҳолиси қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг даромади, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасидан. Шу боис халқаро эксперт сифатида мен Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларининг ташкил этилиши Ўзбекистон учун тўғри қарор бўлган, деб ҳисоблайман.



Ўтган даврда Президент ва ҳукуматнинг Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир 13 та Фармон ва қарори қабул қилинган. Бу соҳа ривожи давлатнинг доимий эътиборида эканлигидан далолат. Сув хўжалиги ижтимоий-социал масалаларни ечиш учун хизмат қилиб, бюджетдан (йилига 4 фоизга яқин ЯИМдан) харажат қилинади — бу халққа кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси.

### Концепция ва стратегия аниқ мақсадларни кўзлайди

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегияси халқаро молия институтлари билан жуда пухта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Устувор йўналишлар белгиланиб, тизимли ва самарали иш олиб борилияпти.

Фаолиятим давомида дунёнинг ривожланган кўплаб давлатларида бўлиб, уларнинг қишлоқ хўжалигини чуқур ўрганганман. Сув билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистон шароитига ўхшаб кетадиган, бизга қўшни Австралияда ҳам ўрганишлар олиб бордим.

Очиғини айтганда, орттирган кучли тижорат тажрибамни ўртоқлашиш ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатиш учун узоқ муддатли стратегик қарорлар ишлаб чиқишга бўлган қизиқишим мени Ўзбекистонга етаклади, десам тўғри бўлади.

Илгари Ўзбекистонда сув хўжалигининг қуйи ташкилотлари мутахассислари томонидан сувни ўлчаш ишлари қўлда олиб борилиб, кунлик ҳисоб-китоб натижалари дафтарга қайд этилган ва маълумотлар телефон орқали марказга етказилган.

Стратегияда 2023 йилгача сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Тажрибамдан келиб чиқиб, айта оламанки, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўйилаётган бу кенг қамровли вазифалар сув ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини ошириш, уларни тезкор қарор қабул қилувчилар учун очиқлаш ҳамда сув етказиб беришнинг сифати ва етказиб бериш самарадорлигини кўтаришга қаратилган.

### Тармоқдаги мутлақо янги йўналиш

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) Ўзбекистон сув хўжалиги учун мутлақо янги йўналиш. Хусусий шериклар сув хўжалигидаги муайян инфратузилмани модернизация қилишга инвестиция киритади ва уни бошқаради. Бу халқаро тажрибада йўллар ёки шифохоналар каби инфратузилмани ривожлантириш ва ишлатишда хусусий капитал ҳамда тажрибани жалб қилиш учун кенг қўлланиладиган механизмдир. Хусусий капиталдан суғориш ва сув инфратузилмасида фойдаланиш хорижда ҳам нисбатан камроқ тарқалган. Бироқ Ўзбекистон ҳукумати сув хўжалигида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича улкан мақсадларни ўз олдига қўйган. Асосий эътибор насос станцияларини модернизациялашга қаратилган бўлиб, бу энергияни иқтисод қилиш ва агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистондаги институционал тузилмалар ҳам, сув инфратузилмаси тармоғи ҳам ўта мураккаб. Бу икки омил ҳақида батафсил тушунчани шакллантириш учун бир оз вақт керак бўлди ва ҳали ўрганиладиган кўп нарсалар бор.

Ўтган бир йилга яқин вақт ичида республиканинг деярли барча ҳудудига бориб келдим. Бу мен учун сув хўжалиги соҳасидаги муаммолар ва реал ҳолатни тушунишимда жуда зўр имконият бўлди. Жойларда сувчилар билан суҳбатлашдим, улар ўзларининг қилаётган ишларини гапириб беришди.

Ўзбекистон халқи, бу ердаги мутахассисларнинг меҳмондўстлиги, ватанпарварлиги ва фидойилиги мени ҳайратлантирди. Бу халқнинг буюк ўтмиши ва аждодлари бор экан. Ҳозирги ҳаракатлар, мана шу интилишлари бардавом бўлса, мамлакатнинг яқин келажакда энг ривожланган давлатлар қаторига киришига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Хуллас, биринчи ютуғим қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги тизими ҳақида тушунчага эга бўлиш эди. Буни ўзбекистонлик ҳамкасблар билан биргаликда уддаладик. Салкам бир йиллик даврда улар билан ҳамкорликда ишлаб, маълум ютуқларга ҳам эришдик. 2021 йил якунига келиб Ўзбекистонда сув хўжалиги объектларига 5 минг 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологияси, жумладан, 3 минг 99 та "ақлли сув", 426 та насос станциясига сув миқдорини ва 2 минг 22 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди. 20 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги Миришкор ва Қамаши каналларида бошқарув жараёнлари Австралиянинг "Rubicon water" компанияси технологиялари асосида тўлиқ автоматлаштирилди. 1 минг 688 та насос станциясига 2 минг 173 та автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатилди ва республика бўйича ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилиниб, электр энергияси сарфини онлайн назорат қилиш имконияти яратилди.

2021 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича қиймати 1 216 млрд. сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди. Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши ва 152,9 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда 5 та инвестиция лойиҳаси доирасида 136,2 млн. доллар ўзлаштирилди. Натижада йил якунига келиб жами 554,5 км. канал ва улардаги 353 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 92 та вертикаль суғориш қудуғи бурғиланди. Лойиҳалар ҳудудида 800 млн. сўм эксплуатация маблағлари иқтисод қилинишига, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициентини 15 фоизга оширишга эришилди.

Буларга қўшимча равишда, мен сув хўжалиги тизимининг муайян соҳаларида илғор халқаро амалиёт ҳақида сўраган ходимлар учун мунтазам эслатмалар тайёрладим.

### Кўплаб янгиликларга гувоҳ бўлдим

Ўтган бир йил ичида Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасини ичидан туриб кузатар эканман, кўплаб янгиликларга бевосита гувоҳ бўлдим. Соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаб берадиган таянч олий ўқув юрти — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжали-



гини механизациялаш муҳандислари институтининг мақоми ошиб, Президент қарорига асосан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети деб қайта номланди. Университетга таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини мустаҳкамлаш, гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш бўйича улкан вазифалар юклатилди.

Албатта, кадрлар малакасини оширмасдан, уларни қайта ўқитмасдан туриб, ҳеч бир соҳани ривожлантириб бўлмайди. Айниқса, технологиялар тез ривожланаётган бугунги кунда! 2021 йилда сув хўжалиги соҳасидаги 5,5 минг раҳбар-ходимнинг, шундан 2 минг 777 нафари сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш, 1 минг 200 нафари ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли технологиялардан фойдаланиш, 300 нафари насос станциялар, 300 нафари мелиорация, 393 нафари гидрометрия ва 530 нафарининг бошқа йўналишлар бўйича малакаси оширилди.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминланганлик даражаси 45 фоиздан 47 фоизга етказилди.

"Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" ғоясининг амалий ифодаси сифатида сув хўжалиги соҳасида ҳам вакант лавозимларга ягона очиқ портал — vacancy.argos.uz орқали очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилди. Бу кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувларни жорий этиш, кадрларнинг давлат хизматига танлов асосида қабул қилинишини янада такомиллаштириш, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонларини белгилашга замин яратмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Президенти "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 7 та йўналиш белгиланган. Унинг учинчи йўналишида сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш мақсадлардан бири сифатида кўрсатилган.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида Сув хўжалиги вазирлигига янада кўпроқ вазифалар белгиланган.

2022 йилда янги ва фойдаланишдан чиққан 129 минг гектар ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи технологияларни 260 минг гектарда жорий этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. куб метр сувни иқтисод қилиш каби вазифаларнинг қўйилиши Ўзбекистон ҳукуматининг келажакда кутилаётган хатарларга олдиндан тайёргарлик кўра олишини, жумладан, муқаррар сув танқислигини юмшатиш бўйича амалий чоралар қабул қилаётганлигининг исботидир.

Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги трансформацион ўзгаришлари кўп йиллар давом этади. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, ушбу трансформацион ўзгаришларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор йўналишларни ишлаб чиқдим. 30 мингдан зиёд мутахассис-ходимлар меҳнат қилаётган вазирлик тизимида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва келажак авлодлар учун барқарорликни яратиш бўйича кўплаб хайрли ишлар бажарилмоқда. Ишонаманки, бу хайрли ишларни қўллаб-қувватлаб, янги Ўзбекистоннинг фаровон келажаги учун ҳисса қўша олдим, десам, муболаға бўлмайди.

**Жон Александр РАЙТ,**
**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.08 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6